

ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

◆ ПАХТАЗОР ЧОРЛАЙДИ. ◆ ҒАЙРАТ, ШИЖОАТ КЎРСА-ТАДИГАН ДАМЛАР КЕЛДИ. ◆ БУТУН КУЧНИ ТЕРИМГА САФАРБАР ЭТАЙЛИК. ◆ СУРЪАТГА-СУРЪАТ ҚЎШАЙЛИК. ◆ „ЎЗБЕКИСТОН ССР БЕШ-ИЛЛИГИ“ СОВХОЗИ МЕХАНИЗАТОРЛАРИ ТАШАББУСИГА ҚЎШИЛИБ, ҲАР БИР МАШИНА ВА ТЕРИМЧИНИНГ УНУМЛИ ИШЛАШИГА ЭРИШАЙЛИК!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТНИНГ ОРГАНИ

ПАХТАКОРЛАРНИНГ ФАХРИЙ БУРЧИ

Пахта далалари чаман-чаман очилган ҳосил билан ясанди. Бу ерда эрталабдан то ярим кечагача меҳнат суроли тинмайди. Мамлакатдаги барча пахтакор республикаларнинг меҳнаткашлари «оқ олтин» теримга киришди. Улар катта майдонлардаги — 2 миллион 718 минг гектар ердаги ҳосилни йиғиб-териб олишлари керак.

Терим арафасида Тошкентда пахтакор республикалар партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлиб ўтди. КПСС Марказий Комитетининг бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев йиғилиш ишида қатнашиб, катта нўқ сўзлади. Йиғилиш пахтакор районлардаги колхоз ва совхозлар КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бошб хўжаликнинг ҳамма соҳаларини ривожлантиришда катта-катта муваффақиятларга эришганини мамнуният билан таъкидлаб ўтди. Партия ва ҳукумат пахтачиллини юксалтириш тўғрисида ҳаммага ғамхўрлик қилишда. Шу районларга янги техника, минерал ўғит ва бошқа моддий-техника воситаларини етказиб бериш йилдан-йилга кўпаймоқда. Сув хўжалиги қурилиши, қўриқ ерларини комплекс равишда ўзлаштириш ва сугориш кенг миқёсда авж олдириб юборилди, янги-янги совхозлар тўзиломоқда. Урта Осиё, Қозғистон ва Озарбайжон республикаларининг деҳқонлари давлатнинг мададига суяниб, хўжаликнинг саноати учун қимматли хом ашё бўлган пахта етиштириш ва сотишни кўпайтириш борасида сўнгги йилларда муҳим қадам қўйдилар. Бултур мамлакат улардан 7 миллион 100 минг тонна пахта олди. Бу йил пахтакорларнинг фидокорона меҳнати, техника, ўғитдан меҳнорона фойдаланиш тўғрисида колхоз ва совхозлар ноқулай об-ҳаво шароитларини енгиб, мўл ҳосил етиштира олдилар.

Пахтакор республикаларнинг меҳнаткашлари ўз миконияларини ҳисоблаб чиқиб, беш йилликнинг иккинчи йилида 7 миллион 135 минг тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олдилар. Ҳар бир республиканинг кўшадиган ҳиссаси салмоқли бўлади: Ўзбекистон хўжаликлари далага 4 миллион 550 минг тонна, Туркманiston хўжаликлари — 930 минг тонна, Тожикистон хўжаликлари — 770 минг тонна, Озарбайжон хўжаликлари 430 минг тонна, Қозғистон хўжаликлари — 270 минг тонна ва Қирғизистон хўжаликлари 185 минг тонна пахта сотадилар. Зиммага олинган мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун актив кураш олиб бориш — партия, совет, қиллоқ хўжалик ва тайёрлаш органларининг асосий вазифасидир. Улар йилнинг терим ишларини ўтказишда юксак даражада уюшқоқликни таъминлашга, пахта теридиган қомбанилар ва транспорт воситаларидан гоёта самарали фойдаланишда колхоз ва совхозларга ёрдам беришга, етиштирилган бутун ҳосилни тезроқ териб олиш, далага сотиш учун мусобақани кенг авж олдиришга даъват этилганлар.

Пахтазорларда машиналар билан жуда катта иш қилиниши керак. Машиналарда қандай 3 миллион тонна пахта териб олиниши зарур. Ҳозир колхоз ва совхозларда неча ўн миңга пахта теридиган машиналар ва кўрак териш машиналари, подборщиклар, нўсқ чувадиган машиналар, тракторлар ва тележалар бор. Ўзбекистон хўжаликлари шу йилнинг ўзига 3 миңга яқин янги терим машинаси олди. Бу машиналарнинг кўпчилиги тўрт қаторнинг пахтасини териди. Бу ҳол меҳанизаторлар меҳнат унумдорлигини анча ошириб терим муддатларини қисқартиришга имкон беради. Бултур кузда республикада машиналар ердагида 1 миллион 800 минг тонна пахта терилган бўлса, бу йил тахминан 2 миллион тонна пахта териб олиш мўлжалланмоқда. Туркманiston пахтакорлари йилдан ортиқ янги машина олдилар. Бу ерда техника билан таъминланганини кўчаиш сўнгги йилларда пахтани машинада териш даражасини иккинчи ярм баравар оширишга имкон берди. Республика меҳанизаторлари ҳосилнинг ярмини машиналарда териб оламиз деб тўрибдилар.

Пахта чаман-чаман очилди, терим тобора кучайиб борапти. Ҳозирги далада терим мавсумининг ҳар бир кун деҳқонларнинг янги-янги ташаббуслари, илгирларнинг ақолиб ютуқлари билан иншонланмоқда. Ўзбекистон ССР беш йиллик совхозининг меҳанизаторлари Э. Алиев, А. Сулаймонов, С. Чачи, А. Арзқулов, Н. Урунов ақолиб ташаббус бошладилар. Уларнинг мактуби «Сельская жизнь» газетасида босилди. Бу хўжалик коллективини шу кунда пахтани меҳанизаторлар билан териш даражасини 90—95 процентга етказишга аҳд қилиб, барча меҳанизатор пахтакорларини мавсумда икки қаторли ҳар бир машинада қандай 100 тоннадан пахта териш учун бутунитифоқ мусобақасини ажи олдиришга даъват этди. Илгирлар намунаси барча пахтакор республикаларда қизғин кўллаб-қувватланмоқда. Кўпгина хўжаликларнинг коллективлари теримга уюшқоқлик билан киришдилар. Ўзбекистонда фўзор районининг, Туркманистонда Чоржўй районининг меҳнаткашлари иккинчи йил бошлаб юборишди. Неча юзлаб ҳайдовчилар мавсумда 300—400 тоннадан пахта теришди. Деб сўз бердилар.

Аммо йилги-теримнинг дастлабки кунлари мусобақа пешқадаларини аниқлашдан ташқари пахтанинг юксак суръатлар билан териб олинишига ҳалокат бераётган камчиликлар борлигини ҳам нўрсатди. Баъзи ерларда машиналар ҳақон устасида бекор турибди. Тожикистон ССРнинг Евон, Қўрғонтепа, Ҳисор районларида, Туркманiston ССР Тошсувзобластининг баъзи хўжаликларида, Қорақалпоғистон АССРда терим мавсуми бошлангунча машиналар ремонтдан чиқарилмади. Агрегатларини икки сменада ишлатишни ташкил этиш, уларга техника хизмати нўрсатилиш тўғрисида ўйлаб кўрилмаган жойлар ҳам бор. Хўжаликларнинг партия комитетлари, раҳбарлари ва мутахассислари гоёта қажоқлик билан иш тутиб, аниқланган камчиликларни йўқотишлари, терим конвейери бир маромда ишлашини таъминлашлари зарур.

Утган йилларнинг практикаси далада банд бўлган ишчиларга яхши маданий-маиший шароит яратиш тўғрисида кунда ғамхўрлик қилинган, мусобақа натижалари ҳаммага маълум қилиб турилган, илгирларнинг тажрибалари сабот-матонат билан жорий этиб борилаётган колхоз ва совхозларда теримда муваффақият қозониш турган гап эканлигини аққон нўрсатди. Ачин шундай ғамхўрлик — шинам дала ишчилари, иссиқ оват, болаларнинг мавсумий ясиларини ташкил этиш Тожикистон ССР Кумсангир районидagi Жданов номи, «Победа», Ленин номи колхозларда пахтанинг юксак суръатлар билан териб олинишига имкон беради. Деҳқонларнинг зарбдор меҳнатга рағбатлантирадиган маънавий ва моддий тақдирлаш системасини яхши ўйлаб, тўғри қўллаш ҳам муҳим ишдир.

Пахта даладан хирмонга тўкила бошлади. Тайёрлов пунктлари ва пахта заводларига ҳосил келтирилмоқда. Пункт ва заводларнинг коллективлари пахтани қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлашни яхши ташкил этишга, мамлакат тўқимачилик корхоналарини юқори навли тола билан ўз вақтида таъминлаб туришга даъват этилганлар.

Мамлакат пахтакорлари ССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигини муносиб кўтиб олиш учун бошланган мусобақада зиммаларига олган юксак маъсулқатли мажбуриятлар уларни зўр бериб фидокорона меҳнат қилишга чорлайди. Пахтазорларда ҳар бир соат саноқда турган бугунги кунда улар Батанга берган ваъдаларига вафо қилиб ўзларининг фахрий бурчларини шараф билан баҳо келтириш учун бор куч-ғайратларини сарфламоқлари керак.

[«ПРАВДА»нинг 16 сентябрь бош мақоласи].

19-ЙИЛ
ЧИКИШИ
№ 185 (4644)
19
СЕНТЯБРЬ
СЕШАНБА
1972 ЙИЛ
Баҳоси 2 тийин.

ПАХТА ФРОНТИНИНГ ЗАРБДОРЛАРИ

- Урта Чирчиқ районидаги Терешкова номи колхоз кунига 4,5—5 процентдан пахта топишмоқда.
- Шу колхознинг меҳанизаторлари Саидмахмуд Аҳмедов, Янаш Тўйчиев, Серикбой Анорбоевлар кунига 8 тоннадан пахта термоқдалар.
- Колхоз йиллик планни 38 процентдан оширди.
- Оққўрғон районидаги «Ленинбод» колхозининг механик-ҳайдовчилари Ойхўжа Саидмахмедов, Деҳқон Мирзааҳмедов, Ҳожинакбар Тургуновлар кунига 8 тоннага етказиб пахта-термоқда.

◆ ИЛҒОРЛАРГА ТЕНГЛАШИНГ.

ҲОСИЛ ЙИҒИМ-ТЕРИМИ—МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ МАВЗУИ

18 сентябрда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида марказий ва республика матбуоти, телевидение ва радиоси ходимларининг матбуот конференцияси бўлди.

КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов мамлакат пахтакор республикаларининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев нотирида Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишда қарорларини амалга ошириш йўлида қўрилган тадбирлар тўғрисида журналистларга гап-гап берди.

Ш. Р. Рашидов мамлакат пахтакор республикаларининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев нотирида Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишда қарорларини амалга ошириш йўлида қўрилган тадбирлар тўғрисида журналистларга гап-гап берди.

ИЛҒОР ЭКИПАЖЛАРГА—ҚИЗИЛ ВИМПЕЛ

самолёт экипажига (командир ўртоқ В. Д. Летунов) берилди. Бу экипаж бир кунда 240 гектар ердаги ғўзани дефолиация қилиб юқори курашчиларга эришган ва 10 сентябрдан 15 сентябргача 1200 гектардаги ғўзани сифатли дефолиация қилган.

Оққўрғон райони хўжаликларида ишлаган самолёт экипажи (командир ўртоқ Нақонечников), Юқори Чирчиқ районида ишлаган самолёт экипажи (командир ўртоқ Ю. В. Подсезалов)ларнинг яхши ишлаганликлари қайд қилинди.



Урта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозида машина терими уюшқоқлик билан олиб борилапти. Айниқса колхознинг Жўра Қамбаров бошлиқ бригадасида терим ишлари намунали ташкил этилган. Улар бу йил 12 иш кунда зиммаларидаги мажбуриятини ошириб адо этишга аҳд қилганлар. Суратда: бригада далада машина терими.

ЮБИЛЕИ ХИРМОНИГА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИНИНГ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШ, МАШИНАДА ТЕРИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 18 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун бир кунда тайёрланган пахта, учинчи стун мавсум бошидан бери, тўртинчи стун — шу мўзундан бир кунда машинада терилгани, бешинчи стун — мавсум бошидан бери.

Урта Чирчиқ	2,20	9,15	2,22	7,55
Пискент	1,53	7,50	1,25	2,82
Бекобод	1,18	6,55	0,70	1,90
Бўёқ	1,30	5,80	0,99	2,04
Янгийўл	1,02	5,66	0,48	0,75
Оққўрғон	0,67	2,32	0,43	0,81
Юқори Чирчиқ	0,49	1,38	—	—
Область бўйича:	1,20	5,51	0,92	2,44

ОЛТИНПАЗЛАР

— Бу ерларни олтин қони, деса бўлади. Йилга беш-олти минг тонна пахта топишириляпти. Мана шу олпоқ пахтазор ўрни яқин йилларгача тошлоқ, экин битмас ерлар ҳисобланарди. Адрларда эса фақат ғалла экилади. Инсон кўлдан келмаган иш йўқ. Фақат иттилиш, ирода бўлса бас. Бу ерларни ишга киритган, тошлоқ ва адрларда «оқ олтин» ундираётганлар ҳам шундай саховатли кишилардир.

Колхоз раиси Абдусалом ака бу сўзларни тўқилганлиб гапирди. Унинг мўлойим боққан кўзларидан, одамларга бўлган чуқур меҳр-муҳаббатни сезиш қийин эмасди. У олпоқ пахтазор оралаб олдинга юрди, энгашиб қўлига бир чаноқ пахта олди. Уни шошимай кўздан ўтказди.

Толасини чўзиб, чигитини санади. Ҳар чаноқ пахтада тўққиз-унтадан тўқ чигит. Демак, пахта пишиб етилган. Энди уни тезроқ териб олиш керак.

Хирмонда ҳозиргина тўқилган пахта устида ўтирган узоққина, аммо чаққон аёл кўлидаги блок-нотта нималариндир аёмоқда эди. У раисни қўриб, ўридан турди.

— Ҳорманг, Машхўра, терим ҳам чакимасга ўхшайди!— сўреди раис.

— Ҳа, энди теримни кучайтирмасек бўлмайди.— жавоб берди у.— Машина юриши нўқулай бўлган пейкаларнинг пахтасини териб оламиз. Агрегатларнинг ҳам жилозини бушатсак, сиз нима дейсиз? — Пайкаларни айланиб чиқ-

дим.— деди раис босиқ оҳанг-да.— Дефолиация яхши тасир қилипти. Қўсакларнинг очилиши ҳам кўнгилдагидек. Машина теримини бемалол бошлаша бўлади. Аммо, пейкаларни таълаб пахтаси яхши очил майдонга машина тушириш керак. Шунда иш унуми ҳам юқори бўлади, ҳосил бекорга нобуд бўлмайди.

Раис қўшини бригадасига йўл олди. У йўл йўлкай комсомол-ешлар бригадасининг бошлиғи Машхўра Алимова ҳақида ҳикоя қилиб берди:

— Пахтачилликда тажрибаси кўп бўлса ҳам бригада бошлиғи сифатида биринчи йил ишлапти. Аммо, айтганини қиладиган бир сўзли аёл. Бригада аъзолари кўпдама саксон гектар майдонга чигит ташлади. Комсомоллар

ташаббус кўтариб, ҳар гектар ерда кикр центердан ҳосил кўтарамиз, деди. Пайкалардаги пахта ҳосили мажбуриятни қоплайдиган даражада.

Комсомол-ешлар бригадаси билан беллашувган Қўшбой Буланов бошлиқ бригада пахтакорлари ҳам теримни бошлаб юборишди. Кўра чеглари ва кичик пайкалардаги пахтазор кўлда терилмоқда. Бригадининг бугунгача топишган пахтаси йиллик планнинг беш-олти процентини ташкил этади.

— Бугундан машина теримини ҳам бошлаб юбордик.— дейди бригада бошлиғи.— Ҳозир даламида учтўртта терим машинаси пахта тегаяпти. Эрта-индин агрегатлар сонини яна кўпайди. Биз йиллик планни ўн беш иш кунда тугаллашга аҳд қилганмиз. 200 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 33—40 центердан ҳосил кўтарамиз.

Олпоқ пахтазор бўйлаб сузаятган кезангори кеманлар тинчисиз гуриллаяпти. Эгет бўйлаб юриб кетаётган кўша агрегат бункерига чаноқларда тошиб турган олпоқ пахта оқади. Ҳозиргина эгет оралаб юриб кетган агрегат дам ўтмай-принципларга «оқ олтин» тўқади. Рулда ўтирган басавлат йигит хирмондагилар билан қўл сийлаб, сазомлашди.

— Колхозимизнинг дондор меҳанизатори—Тулаган Жўраев— таъширтган бригадир.— Бу йил «Ўзбекистон» машинасида 400 тоннадан ортиқ пахта теришга аҳд қилди.

Тулаган билан сафда пахта тегаятган Файз Жўраев, Миллаз Нисов, Худойкул Махсумовлар ҳам бу йил 300—350 тоннадан пахта теришга сўз берганлар. Меҳанизаторлар районда биринчилар қаторида машина теримини бошлаб юборишди. Биринчи кун пахтазорга беш-олтига агрегат чиқарилган бўлса, эрта-индин машиналар сонини 48 тага етди. Ҳар кун давлат хирмонига тўрт-беш процент миқдорда пахта топиширилади. — Бу йил икки миң гектар майдонда пахта етиштирдик.— дейди колхоз раиси Абдусалом

Абдухаликов.— Ҳар гектар ердан икки центер урнига ўн-тўнз центердан пахта оламиз. Жаҳи давлатга олти миң тоннадан ортиқ «оқ олтин» етказиб берамиз.

Колхоз деҳқонлари шу ният ва истак билан өз бўли далада да тер тўқди. Адр ва қиякларда да ғўзаларни машинабоп қилиб ўстиришга, алоҳида эътибор берилиши. Натижада мўлжалдагидан ортиқ ҳосил тўпланди. Мана, энди давлат хирмонига дастлабки пахта тоннагари жўнатилмоқда.

Машина деҳқонларнинг суяган тоғига айланиб қолди. Бу йил колхозда 2700 тонна урнига 4 миң тоннадан ортиқ пахта кезангори кеманларда терилди. Дала ишлари икки сменада ташкил этилиб, бутун куч йирим-теримга тез ва сифатли ўтказишга қаратилди.

Йилги-теримни муваффақиятли ўтказиш учун узоқ соҳилстик мусобақа кенг авж олдирилган. Ҳар ўн кунда бригадаларро кўла қўйилган мусобақа жуғлаида. Мусобақа илгори кизил байроқ ва пул мукофоти билан тақдирланади.

Колхоз пахтакорлари зиммаларидаги план ва мажбуриятларни йигирма иш кунда тугаллашга аҳд қилганлар. Ҳозир дала ишлари шунга яриша ташкил этилмоқда. З. Бекирова, У. Марасулова, М. Темирова, З. Раимова каби кўпининг килорамчи теримчилар мавсумда тўққиз ўн тоннадан пахта теришга аҳд қилганлар.

Чотқол этакларидаги адрларда олтин ундириб бахт топаятган кишилар бугунги меҳнат қў-вончиларини ССРнинг ярим асрлик тўйига тўғна этиш нияти дала.

Н. ТУРАЕВ,

Пискент районидagi Калинин номи колхоз. Колхозда «заштори кема» бункеридан 200—300 тонна пахта тўқинга аҳд қилган меҳанизаторлар кўп. Улардан бири М. Нисовдир. У бу йил ўз агрегатиди 400 тоннадан ортиқ пахта теришга аҳд қилган. Суратда: М. Нисов.

А. АБАЛАН фотоси.



